



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 31 октябрь, № 225 (7183) Чоршанба

Сайтимиэга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



2019 йилги БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ИШ ҲАҚИ ҲАҚИДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни жорий йилда Давлат бюджетининг қутилаётган ижроси, 2019 йилга мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда жорий йил якуни бўйича Давлат бюджетининг даромадлари 74,5 триллион сўм, харажатлари эса 78,5 триллион сўмни ташкил этиши, маҳаллий бюджетлар иштирокида 5,5 триллион сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан 6 баробар кўп маблағ қолиши қутилаётгани қайд этилди.

Валюта ҳамда нарх сиёсатининг эркинлашуви, қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг тартибга солиниши ва капитал қўйилмалар ошиши бюджет даромадлари кўпайтишига ижобий таъсир кўрсатди.

— жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг юқори ставкаси 22 фоиздан 12 фоизгача, ягона ижтимоий тўлови 25 фоиздан 15 фоизгача туширилиши, фуқароларнинг 8 фоизлик суғурта бадалли бекор қилиниши натижасида аҳоли даромадлари 6,5 фоиз ошди;

— юридик шахслар мол-мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизгача, фойда солиғи 14 дан 12 фоизгача, кичик бизнес субъектлари ягона солиғи 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилиши натижасида тадбиркорлар иштирокида 2 триллион сўм қўшимча маблағ қолади. Умуман олганда, мавжуд 19 та солиқ ва мажбурий тўловлар тури 15 тагача камайтирилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, ижтимоий нафақалар учун маблағлар ҳажмини 20 фоиз кўпайтириш, умуман, ойлик ҳамда унга тенглаштирилган тўловларнинг Давлат бюджетини харажатидаги улушини 49 фоиздан 54 фоизга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТОВАР БОЗОРЛАРИДА САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада улгуржи ва биржа савдоси корхоналари фаолияти учун зарур ҳуқуқий асос яратилган, замонавий ахборот технологиялари жорий этилган ҳолда чакана савдо тармоқлари жадал ривожланмоқда, тадбиркорлик субъектларининг моддий-техник ресурслардан фойдаланиши кенгаймоқда.



Парламентлараро дўстлик гуруҳлари қанчалик фаол?

Шу йил бошидан буён Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Грузия, Япония, Германия, Қозғистон, Чехия, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Фаластин, Хитой, Саудия Арабистони ва Қирғизистон парламентлари делегациялари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Бугун парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари юртимизнинг халқаро алоқаларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ҳизмат қилмоқда. Юқори ва куйи палаталарда 25 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият кўрсатяпти.

Хива янада гўзал шаҳарга айланмоқда



Таассурот

Юртимиз Буюк Ипақ йўлининг марказида жойлашган ва тарихий обидалар кўплиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Қўнча ва навқирон шаҳарларимиз — Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хива ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объекти рўйхатига киритилган.

Австрия оммавий ахборот воситалари: «Ҳозир Ўзбекистонга сармоя киритишнинг айнаи вақти»

Жуғрофий жиҳатдан Ўзбекистон ва Австрияни нима боғлайди? Кўпчилик бу саволга, шубҳасиз, «Соддалаштирилган виза тартиби» дея жавоб беради. Австриялик журналистлар ҳам шундай фикрда.

Кластер катта манфаат келтиради

Бугун пахта далаларида йиғим-терим мавсуми авж паллага кирган. Деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида қўлдан иш келадиган инсон борки, пахтакор-фермерга мададкор бўлмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОВАР БОЗОРЛАРИДА САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).


1-иловага мувофиқ айрим турдаги товарлар экспортга чекловларни; келишининг хабардор қилиш тартибини жорий этган ҳолда, маҳсулотларни бижра савдосига чиқариш жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишининг амалдаги тартибини; молиявий истеъмол кредитини ишлаб чиқарувчидан ёки реализация қилувчи ташкилотдан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари (хизматлари)ни сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги талабларни бекор қилиш;

ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган миқдордан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга ҳўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгиланган даврларда ёки мустақил равишда топшириши имконияти; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муқобил инкассация хизматларини ташкил этган ҳолда нақд пул тушумини фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали топшириши бекор қилиш;

хузурида 38 нафар штат бирлигидан иборат Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази давлат муассасаси шаклида ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин; республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида ҳўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгиланиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда МДҲга аъзо давлатларнинг монополияга қарши келишилган сибсатини амалга ошириш тўғрисидаги Шартномани белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

Механизация ва сервис хизматларига оид ахборот эшитилди



2018 йил 1 июлдан яқка тартибдаги тадбиркорлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш имконига эга бўлгани кўпчилиги учун қўтилган янгилик бўлди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Бу ҳақда "Узгросервис" акциядорлик жамияти бош директори Рустам Ҳайитов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасига бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида берган ахборотида алоҳида таъкидлади.

ни таъминлаш юзасидан конструктив таклифлар билдирилди. Жумладан, "Узгросервис" АЖ таркибига кирувчи машина-трактор паркларига қишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб бериш параметрларининг бажарилиши ҳамда техника паркинги янгилаш жараёнларини рағбатлантиришнинг амалдаги механизмларини тақомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.



Австрия оммавий ахборот воситалари:

«Ҳозир Ўзбекистонга сармоя киритишнинг айна вақти»

Давлат органларининг очиқлиги ва бошқарув тизими шаффолигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролар билан бевосита мулоқот тизими йўлга қўйилди. Жамоат ташкилотлари янги га йрат билан ўз фаолиятини жадаллаштирмоқда.



ликамиз ташки сибсатидаги янги тенденциялар ҳақида сўзлайди. Расмий Тошкент ташки сибсатининг асосини очиқлик, самимият, ўзаро ҳурмат ва проактивлик ташкил этади.

муаммоларни ҳал қилиш, балки бу ерда мутлақо янги боғсисий муҳитни шакллантириш имконини берди. Агентлик шарҳловчиларининг фикрича, Ўзбекистоннинг ташки сибсат қадамлари мамлакатнинг барқарор ва жадал ички тараққиётини таъминлашга қаратилган.

Анвар МИРЗАЕВ (Халқ сўзи) таъйрлади.

Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, мақсадли дастурлар ҳаётга самарали татбиқ этиляпти. Ўз навбатида, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган халқ таъабатини янада тараққий топтириш долзарб бўлиб, бу ушбу йўналишда ҳам аниқ чора-тадбирлар қўришни тақозо қилади, албатта.

Депутат фикри

Очиғи, шу пайтга қадар кўпинча замонавий тиббиёт билан халқ таъабати айлари ҳолда иш қўрди. Уларнинг куч ва салоҳиятини бирлаштириш ёки имкониятдан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш масаласи эътибордан четда қолди.

томонидан назорат қилинмаган ҳамда мувофиқлаштирилмаганди. Шу тўғрйли уларнинг аҳолига кўрсатадиган хизматларида хатарлилик ва хавфлилик даражаси юқори бўлиб, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолган пайтлар кўп учради. Ушбу соҳада кўрсатилаётган табиблик хизматлари ҳамда бу хизматлар-

га баҳоларнинг шаклланиши ушбу бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини жорий қилиш, ушбу йўналишда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланишини таъминлашга оид бир қатор вазифалар оқлатилди.


асосида халқ таъабати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш вазифалари белгиланди.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Конун кучга кирди

Энди нотўғри ҳисоб-китоблар оқибатида кексалар зарар кўрмайди

Кучли ижтимоий сибсат мамлакатимиз ривожининг устувор йўналишларидан биридир. Ўтган давр мобайнида бу борада кўплаб қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар изчил тақомиллаштириб борилмоқда.



"Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам бевосита аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқоридаги каби қарздорликлар янада ўсишининг олдини олиш, аҳоли истеъмол масъулиятини кучайтириш максисдада Уй-жой кодексининг 134-моддасига қўшимча қиритилди. Электр энергияси ва табиий газ етказиб берганлик учун мажбурий тўловлар кейинги ойнинг ўнинчи санасигача тўлиқ амалга оширилмаганди, фойдаланувчиларнинг электр ҳамда газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узиш чоралари қўрилиши белгиланди.

Исломиддин АБРОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

